

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ**  
**ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЛМИЙ,  
ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ВА МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАГА ЭГА ХОДИМЛАРГА ҚЎШИМЧА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги **Қонуни** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 июнданги ПҚ-4358-сон **қарорига** мувофиқ, шунингдек, кадрлар салоҳиятини ошириш, илм-фан ва таълим соҳасида юқори малакали кадрларнинг билим ва тажрибаларини амалда қўллашни молиявий рағбатлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида (кейинги ўринларда ташкилот деб аталади) илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ходимларнинг лавозим маошига:

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) (ёки хорижий мамлакатларда уларга тенглаштирилган даражалар) (кейинги ўринларда фалсафа доктори деб аталади) илмий даражасига эга шахслар учун — лавозим маошининг 30 фоизигача;

фан доктори (Doctor of Science) (ёки хорижий мамлакатларда унга тенглаштирилган даража) (кейинги ўринларда фан доктори деб аталади) илмий даражасига эга шахслар учун — лавозим маошининг 60 фоизигача қўшимча ҳақ тўлаш тизими жорий этилсин.

2. Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

3. Белгилансинки:

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

а) қўшимча ҳақ ушбу қарорга мувофиқ тегишли мезонларни бажарилишини баҳолаш натижалари бўйича ҳамда таркибий бўлинма раҳбарининг ишчи комиссияга тақдимномаси ва ташкилот коллегиал органи қарори асосида ҳар бир ходимнинг илмий-педагогик ва меҳнат фаолиятига қўшган аниқ ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади;

*(3-банднинг «а» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)*

б) ушбу қарор билан жорий этилаётган қўшимча ойлик ва бир марталик тўловлар миқдори бир ойда — фалсафа доктори илмий даражасига эга ходимлар учун лавозим маошининг 30 фоизидан ҳамда

фан доктори илмий даражасига эга ходимлар учун лавозим маошининг 60 фоизидан ошмаслиги керак;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар ходимларига ушбу қарорга мувофик қўшимча ҳақ белгиланиши билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

г) ушбу қарорга мувофик қўшимча ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳажмини режалаштириш фалсафа доктори илмий даражасига эга ходимлар лавозим маошининг 30 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ ва фан доктори илмий даражасига эга бўлган ходимлар лавозим маошининг 60 фоизи миқдоридаги қўшимча ҳақнинг энг кўп ҳажми илмий даражага эга бўлган ходимларнинг ҳақиқий сонидан келиб чиқсан ҳолда банд бўлган штат бирлиги сони бўйича амалга оширилади;

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

(3-банднинг «д» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-471-сонли қарорига асосан 2023 йил 1 январдан чиқарилади — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.01.2023 й., 07/23/471/0001-сон)

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

4. Ташкилотнинг коллегиал органи (кейинги ўринларда — коллегиал орган) ушбу Низомга муовофик муайян мезонлар асосида ишчи комиссия мажлисининг холосасига қўра ходимга қўшимча ҳақ миқдори ва тўлов даврини белгилаш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Бунда, коллегиал орган ходимга белгиланган қўшимча ҳақ миқдорининг тўғри белгиланишига жавобгар ҳисобланади.

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

5. Тизимида ташкилотлар мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда:

(5-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

ушбу қарорга мувофик ходимларга қўшимча ҳақ белгиланишининг асосланганлиги, шунингдек, уларни тўлаш учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб борсин;

ҳар йили 25 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ушбу қарорга мувофик қўшимча ҳақ тўлаш хуқуқига эга бўлган ходимларнинг банд бўлган штат бирлиги сони тўғрисида, шунингдек, уларни тўлаш учун ажратилган маблағлар, шу жумладан, молия йили охирида сарф қилинмаган молия ҳажми тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиб борсин;

бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда үzlари қабул қилған норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсін.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тұғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда) 2-иловага мувофиқ үзгартириш ва қўшимчалар киритилсін.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдураҳмонов ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Телекоммуникациялар, IT-технологиялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш котибияти зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 24 декабрь,  
1030-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги 1030-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тұғрисида**

**НИЗОМ  
1-боб. Умумий қоидалар**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1. Ушбу Низом илм-фан, таълим ва тажриба-конструкторлик соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга (шу жумладан ҳарбий хизматчилар ва хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда давлат суд-экспертиза муассасаларининг ходимлариға) қўшимча ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

*(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июндаги 228-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2023 й., 09/23/228/0339-сон)*

2. Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига (ёки хорижий мамлакатларнинг уларга тенглаштирилган даражасига) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасига (ёки хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган даражасига) эга бўлган ходимлариға асосий иш жойи бўйича ушбу Низомга мувофиқ қўшимча ҳақ белгиланади.

3. Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

лавозим маоши — календарь ойи учун муайян мураккабликдаги меҳнат (лавозим) вазифаларини бажариш учун ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг қонунчилик хужжатларига мувофиқ белгиланган миқдори

(компенсация, рағбатлантириш ва ижтимоий тўловлар, нафақалар ва бошқа қўшимча тўловларни ҳисобга олмаган ҳолда);

*(3-банднинг иккинчи хатбохиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

қўшимча ҳақ — ходимлар меҳнатининг сифати ва натижадорлигини рағбатлантириш мақсадида белгиланган лавозим маошига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланган тўлов;

бир марталик қўшимча ҳақ — амалга оширилган муайян иш бўйича натижага эришилгани учун тўланадиган бир марталик қўшимча тўлов;

ҳар ойлик қўшимча ҳақ — амалга оширилган муайян иш бўйича натижага эришилгани учун ҳар ойда тўланадиган қўшимча тўлов;

илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилоти (кейинги ўринларда ташкилот деб аталади) — устав асосида илмий ва таълим фаолияти билан шуғулланувчи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи ташкилот;

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

интеллектуал фаолият натижаси — интеллектуал мулк обьекти, шу жумладан, фан, адабиёт, санъат, ижро, фонограмма, эфир ёки кабель орқали намойиш этилган қўрсатувлар, ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, маълумотлар базалари, ошкор қилинмаган маълумотлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау), товар белгилари, фирма номлари, товар келиб чиқсан жой номлари ва қонунчилик хужжатларида назарда тутилган интеллектуал фаолият натижаси.

*(3-банднинг еттинчи хатбохиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

4. Ташкилотнинг коллегиал органи (кейинги ўринларда коллегиал орган деб аталади) ушбу Низомга мувофиқ муайян мезонлар асосида таркибий бўлинма раҳбарининг тавсиясига кўра ходимга қўшимча ҳақ миқдори ва тўлов даврини белгилаш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Ташкилот раҳбари учун ушбу Низомга мувофиқ қўшимча ҳақ белгилаш юқори турувчи ташкилот розилиги билан амалга оширилади.

Эришилган натижаларнинг мезонларга мувофиқлигини баҳолаш тақдим этилган тасдиқловчи хужжатларга асосан амалга оширилади.

Коллегиал орган қўшимча ҳақ белгилаш тўғрисида қабул қилинган қарорнинг холислиги учун масъул ҳисобланади.

Ташкилотнинг юқори турувчи органлари қўшимча ҳақ белгилаш бўйича коллегиал органлар ишини ташкил этиш тартибини тасдиқлайди.

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

5. Қўшимча ҳақ ходим томонидан мазкур Низомда қўрсатилган мезонлар бўйича бажарган ишлари учун белгиланади.

(5-банднинг биринчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

Кўшимча ҳақ тўлашда эришилган натижалар бир марта ҳисобга олинади.

**Олдинги таҳиррга қаранг.**

Ходимнинг тегишли илмий даражага эга бўлмаган даврининг фаолият натижалари ҳисобга олинмайди.

(5-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан учинчи хатбоши билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

**Олдинги таҳиррга қаранг.**

6. Кўшимча ҳақнинг бир марталик ёки ойлик шакли жорий йилда охирги 12 ой давомидаги (календаръ йил якунлари) фаолияти натижалари таҳлилига кўра белгиланади.

Кўшимча ойлик тўлов белгилашнинг энг кўп муддати 12 ойдан ошмаслиги керак.

Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходим бошқа илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотига ишга ўтган тақдирда, унга қўшимча ҳақ белгилашда ушбу Низомда белгиланган талаблар асосида фаолияти натижалари ҳисобга олинади.

(6-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

**Олдинги таҳиррга қаранг.**

7. Кўшимча ҳақ ходим асосий лавозим бўйича эгаллаб турган ставкасига мутаносиб равишда ҳар ойда ҳисобланадиган базавий лавозим маошига нисбатан белгиланади, бунда ходимнинг таътил даври учун қўшимча ҳақ тўлов амалга оширилмайди.

Бунда, ушбу бандда назарда тутилган тартиб олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг тасдиқланган штатлар жадвалида турувчи асосий иш фаолияти факат илмий лойиха раҳбари ёки иштирокчisi бўлган илмий ходимлар лавозим маошига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

(7-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июндаги 228-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2023 й., 09/23/228/0339-сон)

**2-боб. Олий таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ташкилотларида қўшимча ҳақ белгилаш талаблари, миқдори ва муддатлари**

**Олдинги таҳиррга қаранг.**

(8-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

9. Лавозим маошига ҳар ойлик қўшимча ҳақ ходимнинг фаолияти натижалари асосида қуидагида ўрнатилиши мумкин:

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

а) олий таълим муассасаси электрон платформасига ўқув юкламасида назарда тутилганидан ташқари мустақил ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнида фойдаланилаётган ўз ўқув услубий мажмуаларини (модул дастури, ўқув контенти, муаммоли вазият, казус тест, видео дарс) жойлаштирганлиги учун;

(9-банд «а» кичик бандининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

ҳар бир мажмуа (модул) учун ўзбек ёки рус тилида, шунингдек, чет тили мутахассисликлари бўйича лавозим маошига нисбатан 5 фоизгача;

хорижий тилда (тил мутахассислигидан ташқари) ҳар бир мажмуа (модул) учун лавозим маошига нисбатан 10 фоизгача белгиланади.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 15 фоиздан ошмаслиги лозим;

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

б) ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда илмий ёки лаборатория воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда янги ўқув маҳсулотлари (тренинг курслари, услубий таъминотли ўйинлар, услубий қўлланмалар)ни ишлаб чиққани ва жорий этгани учун:

(9-банд «б» кичик бандининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июндаги 228-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2023 й., 09/23/228/0339-сон)

ўзбек ёки рус тилида, шунингдек, тил мутахассисликлари бўйича чет тилида ҳар бир маҳсулот (мажмуа) учун лавозим маошига нисбатан 10 фоизгача;

хорижий тилда (тил мутахассисликларидан ташқари) ҳар бир маҳсулот (мажмуа) учун лавозим маошига нисбатан 20 фоизгача белгиланади.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 30 фоиздан ошмаслиги лозим;

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

(9-банднинг «в» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан чиқарилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

в<sup>1</sup>) ихтисослашган илмий кенгашлар хузуридаги ихтисосликлар бўйича (чет тили ва мутахассислик фанларидан) малакавий имтиҳон комиссияси ҳамда олий таълимдан кейинги таълимнинг барча шаклларида ўқишига талабгорларни танлов олиш учун кириш

имтиҳонлар ва изланувчиларни мониторингдан ўтказиш жараёнида комиссия (ишли гурух) аъзоси бўлганлиги учун лавозим маошига нисбатан 5 фоиз микдорида белгиланади.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 15 фоиздан ошмаслиги лозим.

(9-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан «в» кичик банд билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

г) олий таълим муассасаларнинг биринчи мингталик (топ-1000) ёки фан йўналишлари бўйича биринчи юзталик (топ-100) халқаро (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингларга кирган олий таълим муассасаларининг онлайн таълим платформаларига киритилган ёки сайёр шаклда ўтказилган ҳар бир маъруза учун лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача белгиланади.

(9-банд «г» кичик бандининг биринчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 30 фоиздан ошмаслиги лозим;

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

г) давлат илмий дастурлари лойиҳаларини қўриб чиқадиган илмий-техник кенгашларда ҳар бир аъзолик (иштирок этганлик) учун лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача белгиланади.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 30 фоиздан ошмаслиги лозим.

(9-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июндаги 228-сонли қарорига асосан «г» кичик банд билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2023 й., 09/23/228/0339-сон)

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

(9-банднинг «д» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан чиқарилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

е) илмий даражалар берувчи хорижий илмий, экспертлик, илмий-техник кенгашларда аъзолик (иштирок этиш) учун лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача белгиланади.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 30 фоиздан ошмаслиги лозим;

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

(9-банднинг «ж» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан чиқарилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

з) Scopus, Web of Science индексацияланган маълумотлар базалариға кирган журналларда эълон қилинган мақола (монография) учун ҳар бир муаллифга лавозим маошига нисбатан қўйидаги белгиланади. Бунда:

1. биринчи квартилга (Q1) кирган журналларда эълон қилинган мақола учун ҳар бир муаллифга лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача;

2. иккинчи квартилга (Q2) кирган журналларда эълон қилинган мақола учун ҳар бир муаллифга лавозим маошига нисбатан 20 фоизгача;

3. учинчи квартилга (Q3) кирган журналларда эълон қилинган мақола учун ҳар бир муаллифга лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача;

4. тўртинчи квартилга (Q4) ва бошқа умумэътироф этилган индексацияланган маълумотлар базаларидаги журналларда чоп этилган мақолаларнинг ҳар бир муаллифига лавозим маошига нисбатан 5 фоизгача;

5. Scopus, Web of Science индексацияланган маълумотлар базаларда конференция материалларида эълон қилинган ҳар бир маъруза муаллифига лавозим маошига нисбатан 5 фоизгача;

6. маҳаллий илмий журналларда чоп этилган мақола учун ташкилот (бир нечта муаллиф бўлган тақдирда, тенг миқдорда тақсимланган ҳолда) лавозим маошига нисбатан 5 фоизгача;

7. республикада чоп этилган якка муаллифликдаги монография ва қўлёзма учун лавозим маошига нисбатан 10 фоизгача;

8. ноёб қўлёзмаларни илмий муомалага киритган нашр муаллифига (бир нечта муаллиф бўлган тақдирда, тенг миқдорда тақсимланган ҳолда) лавозим маошига нисбатан 10 фоизгача;

*(9-банднинг «з» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июндаги 228-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2023 й., 09/23/228/0339-сон)*

### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

и) ўқув жараёнида амалий қўлланиладиган ёки ишлаб чиқаришга жорий қилинган интеллектуал фаолият натижаси ҳамда ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган дарслік, ўқув қўлланма, тадқиқотни амалиётга жорий қилинганлиги ҳақида марказий давлат органлари ва давлат бошқарув органларининг далолатномаси борлиги учун лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача миқдорида белгиланади.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 15 фоиздан ошмаслиги лозим.

*(9-банднинг «и» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)*

### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

к) ҳар бир ихтиро ва/ёки фойдали моделга патент олганлик учун муаллифга (бир нечта муаллиф бўлган тақдирда, хорижий

ҳаммуаллифлар ва илмий даражага эга бўлмаганлардан ташқари, факат илмий даражалилар ўртасида тенг миқдорда тақсимланган ҳолда) лавозим маошига нисбатан белгиланади. Бунда:

ҳар бир ихтирога патент (электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бундан мустасно) олганлик учун ҳар бир муаллифга лавозим маошига нисбатан 20 фоизгача;

ҳар бир фойдали моделга патент (электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бундан мустасно) олганлик учун ҳар бир муаллифга лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 30 фоиздан ошмаслиги лозим;

*(9-банднинг «к» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июндаги 228-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2023 й., 09/23/228/0339-сон)*

л) илмий, илмий-оммабоп журналлар таҳрир ҳайъати аъзолиги учун:

маҳаллий журналларда лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача;

хорижий журналларда лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача белгиланади.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 30 фоиздан ошмаслиги лозим.

10. Лавозим маошига бир марталик қўшимча ҳақ маълум бир давр учун эришилган натижалар йиғиндисидан келиб чиқсан ҳолда ёки қуидаги зарур шартлар бажарилганда белгиланади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(10-банднинг «а» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан чиқарилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)*

б) диссертациянинг ўз вақтида ёки муддатидан олдин ҳимоя қилинишини таъминлаганлиги учун:

фалсафа докторлари (PhD) илмий раҳбарларига лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача;

фан докторлари (DSc) илмий маслаҳатчиларига лавозим маошига нисбатан 60 фоизгача;

в) ташкилотнинг мезбон сифатида иштирок этадиган нуфузли халқаро конференцияни (симпозиум, давра сұхбати) ташкил этганлиги учун, ходимнинг қўшган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан 60 фоизгача;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

г) хорижий мамлакатларда ташкил қилинган илмий-педагогик фаолиятга оид халқаро тадбирларда (форумлар, конференциялар, конгресслар, анжуманлар ва бошқалар) таклифга асосан маъруза билан қатнашганлигига ҳар бир иштироки учун лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача;

(10-банднинг «г» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

д) хорижий халқаро кўргазмаларда ўзларининг илмий ютуқларини оммалаштиришда расмий иштирок этганлигига ҳар бир кўргазма учун лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

е) ихтисослашган халқаро маълумотлар базасига киритилган ҳар бир илмий нашр (монография, илмий реферат, информацион реферат, услугбий ишланмалар, тавсиялар, тезислар, шунингдек илмий конференция материаллари, илмий мақолалар, илмий ишлар тўпламлари) учун лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача;

(10-банднинг «е» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

ж) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мурожаатига асосан илмий-амалий таклифларни тайёрлаш учун қўшган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача.

(10-банднинг «ж» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

### **3-боб. Илм-фан соҳасидаги ташкилотларда қўшимча ҳақ тўлаш мезонлари, ҳажми ва муддатлари**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

(11-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

12. Лавозим маошига ҳар ойлик қўшимча ҳақ ходимнинг фаолияти натижалари асосида қуидагича ўрнатилиши мумкин:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

(12-банднинг «а» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан чиқарилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

б) илмий даражалар берувчи хорижий илмий, экспертлик, илмий-техник кенгашларда аъзолик (иштирок этиш) учун лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача бўлган миқдорда белгиланади.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 30 фоиздан ошмаслиги лозим;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

(12-банднинг «в» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан чиқарилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

г) Scopus, Web of Science индексацияланган маълумотлар базаларига кирган журналларда эълон қилинган мақола (монография) учун ҳар бир муаллифга лавозим маошига нисбатан қўйидаги белгиланади. Бунда:

1. биринчи квартилга (Q1) кирган журналларда эълон қилинган мақола учун ҳар бир муаллифга лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача;
2. иккинчи квартилга (Q2) кирган журналларда эълон қилинган мақола учун ҳар бир муаллифга лавозим маошига нисбатан 20 фоизгача;
3. учинчи квартилга (Q3) кирган журналларда эълон қилинган мақола учун ҳар бир муаллифга лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача;
4. тўртинчи квартилга (Q4) ва бошқа умумэътироф этилган индексацияланган маълумотлар базаларидаги журналларда чоп этилган мақолаларнинг ҳар бир муаллифига лавозим маошига нисбатан 5 фоизгача;
5. Scopus, Web of Science индексацияланган маълумотлар базаларда конференция материалларида эълон қилинган ҳар бир маъруза муаллифига лавозим маошига нисбатан 10 фоизгача;
6. маҳаллий илмий журналларда чоп этилган мақола учун ташкилот (бир нечта муаллиф бўлган тақдирда, тенг микдорда тақсимланган ҳолда) лавозим маошига нисбатан 5 фоизгача;
7. республикада чоп этилган якка муаллифликдаги монография ва қўлёзма учун лавозим маошига нисбатан 10 фоизгача;
8. ноёб қўлёзмаларни илмий муомалага киритган нашр муаллифига (бир нечта муаллиф бўлган тақдирда, тенг микдорда тақсимланган ҳолда) лавозим маошига нисбатан 10 фоизгача;

(12-банднинг «г» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июндаги 228-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2023 й., 09/23/228/0339-сон)

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

(12-банднинг «д» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан чиқарилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

е) ҳар бир ихтиро ва/ёки фойдали моделга патент олганлик учун муаллифга (бир нечта муаллиф бўлган тақдирда, хорижий ҳаммуаллифлар ва илмий даражага эга бўлмаганлардан ташқари, факат илмий даражалилар ўтасида тенг микдорда тақсимланган ҳолда) лавозим маошига нисбатан белгиланади. Бунда:

ҳар бир ихтирога патент (электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бундан мустасно) олганлик учун ҳар бир муаллифга 20 фоизгача;

ҳар бир фойдали моделга патент (электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бундан мустасно) олганлик учун ҳар бир муаллифга 15 фоизгача.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 30 фоиздан ошмаслиги лозим;

(12-банднинг «е» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июнданги 228-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2023 й., 09/23/228/0339-сон)

ж) илмий, илмий-оммабоп журналлар таҳрир ҳайъати аъзолиги учун:

маҳаллий журналларда лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача;

хорижий журналларда лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача белгиланади.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 30 фоиздан ошмаслиги лозим;

з) хорижий илмий лойиҳаларда иштирок этганлиги учун:

тадқиқот груҳи аъзоси сифатида лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача;

лоийха раҳбари сифатида лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача белгиланади;

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

(12-банднинг «и» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан чиқарилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

к) олий таълим муассасаларида ҳар бир жорий этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар нашри учун лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача белгиланади.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 30 фоиздан ошмаслиги лозим;

л) янги инновацион корхона ташкил этганлиги учун лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача белгиланади.

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

м) давлат илмий дастурлари лойиҳаларини қўриб чиқадиган илмий-техник кенгашларда ҳар бир аъзолик (иштирок этганлик) учун лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача белгиланади.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 30 фойиздан ошмаслиги лозим;

(12-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июндаги 228-сонли қарорига асосан «м» кичик банд билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2023 й., 09/23/228/0339-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

н) олий таълим ташкилотлари билан биргаликда илмий ёки лаборатория воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда, янги ўқув маҳсулотлари (тренинг курслари, услугубий таъминотли ўйинлар, услугубий кўлланмалар)ни ишлаб чиқиш ва жорий этишдаги иштироки учун:

ўзбек ёки рус тилида, шунингдек, тил мутахассисликлари бўйича чет тилида ҳар бир маҳсулот (мажмуя) учун лавозим маошига нисбатан 10 фойизгача;

хорижий тилда (тил мутахассисликларидан ташқари) ҳар бир маҳсулот (мажмуя) учун лавозим маошига нисбатан 20 фойизгача белгиланади.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 30 фойиздан ошмаслиги лозим;

(12-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июндаги 228-сонли қарорига асосан «н» кичик банд билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2023 й., 09/23/228/0339-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

о) илмий кенгашлар ҳузуридаги ихтисосликлар бўйича (чет тили ва мутахассислик фанларидан) малакавий имтиҳон комиссияси ҳамда олий таълимдан кейинги таълимнинг барча шаклларида ўқишига талабгорларни танлаб олиш учун кириш имтиҳонлари ва изланувчиларни мониторингдан ўтказиш бўйича комиссия (ишли гурӯҳ) аъзоси бўлганлиги учун лавозим маошига нисбатан 5 фойизгача миқдорда белгиланади.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 15 фойиздан ошмаслиги лозим.

(12-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июндаги 228-сонли қарорига асосан «о» кичик банд билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2023 й., 09/23/228/0339-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

13. Лавозим маошига бир марталик қўшимча ҳақ маълум бир давр учун эришилган натижалар йиғиндисидан келиб чиқсан ҳолда ёки куйидаги зарур шартлар бажарилганда белгиланади:

(13-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 августдаги 510-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.08.2021 й., 09/21/510/0784-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

(13-банднинг «а» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан чиқарилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

б) ўз вақтида ёки муддатидан олдин илмий даража олиш учун тадқиқот ишини ҳимоя қилганда:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

фалсафа доктори (PhD) илмий раҳбарига ҳимоя қилганлиги тўғрисида далил тақдим қилганида лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача;

(13-банд «б» кичик бандининг иккинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

фан доктори (DSc) илмий раҳбарига ҳимоя қилганлиги тўғрисида далил тақдим қилганида лавозим маошига нисбатан 60 фоизгача;

(13-банд «б» кичик бандининг учинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

(13-банднинг «в» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан чиқарилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

г) ташкилотнинг мезбон сифатида иштирок этадиган халқаро конференцияни (симпозиум, давра суҳбати) ташкил этганлиги учун, ходимнинг қўшган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан 50 фоизгача олти ойда бир марта;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

д) хорижий мамлакатларда ташкил қилинган халқаро илмий, илмий-техникавий ва бошқа илмий-маърифий тадбирларда (форумлар, конференциялар, конгресслар, анжуманлар, ва бошқалар) таклифга асосан маъруза билан қатнашганлигига, ҳар бир иштироки учун лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача;

(13-банднинг «д» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

е) хорижий халқаро кўргазмаларда ўзларининг илмий ютуқларини оммалаштиришда расмий иштирок этганлигига ҳар бир кўргазма учун лавозим маошига нисбатан 50 фоизгача;

ж) нуфузли халқаро маълумотлар базасига киритилган ҳар бир тадқиқот натижаси учун лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

з) давлат бошқарув органларининг мурожаатига асосан илмий-амалий таклифларни тайёрлаш учун қўшган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача.

(13-банднинг «з» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)  
*Олдинги таҳиррга қаранг.*

**4-боб. Ўрта махсус, профессионал ва умумий ўрта таълим ташкилотларида белгиланадиган қўшимча ҳақ микдори ва муддатлари**

(4-бобнинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

*Олдинги таҳиррга қаранг.*

14. Лавозим маошига ҳар ойлик қўшимча ҳақ ходимнинг фаолияти натижалари асосида қуидагича ўрнатилиши мумкин:

(14-банднинг биринчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

а) ёшларни тарбиялашга оид ҳар бир ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган илмий-методик қўлланмана, илмий-тахлилий услугуб (ёндашув)лар учун лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача;

б) таълим ва тарбия соҳасида тегишли ташкилот билан боғлик илмий мақола (монография) нашр қилганлиги учун:

журналнинг даражаси ва муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда миллий илмий журналлардаги нашр учун лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача;

халқаро журналларда эълон қилинган ҳар бир мақола (монография) учун муаллифларга лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача белгиланади.

*Олдинги таҳиррга қаранг.*

Мазкур банднинг барча кичик бандлари асосида ҳар ойлик қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда фалсафа доктори (PhD)га 30 фоиз ва фан доктори (DSc)га 60 фоиздан ошмаслиги лозим.

(14-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан олтинчи хатбоши билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)

15. Лавозим маошига бир марталик қўшимча ҳақ маълум бир давр учун эришилган натижалар йифиндисидан келиб чиққан ҳолда ёки зарур шартлар бажарилганда белгиланади:

а) фан олимпиадалари ғолибларини тайёрлагани учун лавозим маошига нисбатан:

туман ва вилоят миқёсдаги натижалар учун 15 фоизгача;

республика миқёсдаги натижалар учун 20 фоизгача;

халқаро миқёсдаги натижалар учун 30 фоизгача;

б) замонавий ўқув-кўргазмаларни яратганлиги учун 10 фоизгача;

в) ноанъанавий йўналишдаги (робототехника, ментал арифметика ва бошқалар) ўқув машғулотларини ташкил қилганилиги учун 30 фоизгача;

г) ўқувчиларда тадбиркорлик қўнималарини шакллантиришга кўшган ҳиссаси учун 20 фоизгача.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

#### **5-боб. Мактабгача таълим ташкилотларида белгиланадиган қўшимча ҳақ миқдори ва муддатлари**

*(5-бобнинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

16. Лавозим маошига ҳар ойлик қўшимча ҳақ ходимнинг фаолияти натижалари асосида қуидагича ўрнатилиши мумкин:

*(16-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)*

а) мактаб ёшигача бўлган болаларни тарбиялашга оид ҳар бир ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган илмий-методик қўлланма, илмий-таҳлилий услугб (ёндашув)лар учун лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача;

б) таълим ва тарбия соҳасида тегишли ташкилот билан боғлиқ илмий мақола (монография) нашр қилганлиги учун:

журналнинг даражаси ва муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда миллий илмий журналлардаги нашр учун лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача;

халқаро журналларда эълон қилинган ҳар бир мақола (монография) учун муаллифларга лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача белгиланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Мазкур банднинг барча кичик бандлари асосида ҳар ойлик қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда фалсафа доктори (PhD)га 30 фоиз ва фан доктори (DSc)га 60 фоиздан ошмаслиги лозим.

*(16-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан олтинчи хатбоши билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)*

17. Лавозим маошига бир марталик қўшимча ҳақ маълум бир давр учун эришилган натижалар йиғиндисидан келиб чиққан ҳолда ёки қуидаги зарур шартлар бажарилганда белгиланади:

а) кўрик танловлардаги иштироқи учун лавозим маошига нисбатан:

туман ва вилоят миқёсдаги натижалар учун 15 фоизгача;

республика миқёсдаги натижалар учун 20 фоизгача;

- б) ўйин тамойилига асосланган замонавий машғулотларни ташкил қылганлиги учун 15 фоизгача;
- в) тарбияланувчиларни илм-фанга қизиқишини оширишга қўшган ҳиссаси учун 20 фоизгача.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**5<sup>1</sup>-боб. Ташкилотларда илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш бўйича ишчи комиссияни ташкил этиш тартиби**

17<sup>1</sup>. Қўшимча ҳақ олиш ҳукуқига эга бўлган ходимларнинг аризаларини умумлаштириш ва коллегиал орган йиғилишида кўриб чиқиши учун ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишчи комиссия таркиби ҳар йили декабрь ойида Коллегиал орган қарори билан камида етти кишидан иборат этиб тасдиқланади.

17<sup>2</sup>. Ишчи комиссия таркибига олий таълим муассасалари учун илмий ва инновациялар бўйича проректор (филиал директори ўринбосари), илмий ташкилотлар учун директорнинг илм-фан бўйича ўринбосари, бундай лавозим бўлмаганида илмий котиб, ўрта маҳсус, касб-хунар ва умумий ўрта таълим ташкилотлари учун директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, мактабгача таълим муассасалари учун бош услубчи раҳбарлик қиласиди.

17<sup>3</sup>. Ташкилотлар ишчи комиссия ҳукуқлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқлайди.

*(5<sup>1</sup>-боб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан киритилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)*

**6-боб. Қўшимча ҳақ маблағларини режалаштириш ва молиялаштириш**

18. Ташкилот томонидан қўшимча ҳақ белгилаш учун бюджет маблағлари ҳажмини режалаштириш илмий даражали ходимларга штат бирлиги сонидан келиб чиқиб, қўшимча ҳақнинг энг кўп миқдорида белгиланади:

фалсафа доктори (PhD) ёки фан номзоди илмий даражаси (ёки шунга тенглаштирилган хорижий давлатлар даражаси)га эга ходимларнинг лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача;

фан доктори (PhD) илмий даражаси (ёки шунга тенглаштирилган хорижий давлатлар даражаси)га эга ходимларнинг лавозим маошига нисбатан 60 фоизгача.

Мазкур қўшимча ҳақни молиялаштириш илмий даражали ходимларнинг ҳақиқий штат бирлиги сонидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

19. Ходимларга қўшимча ҳақни белгилаш билан боғлиқ харажатлар штат жадвалида алоҳида акс эттирилади ва ташкилотнинг харажатлар сметасида алоҳида модда билан бюджет классификацияси харажатларида назарда тутилади.

20. Ташкилот ушбу низомга мос равишда, мажбурий тартибда бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасига келиб

тушадиган ва ундан сарфланадиган пул маблағларини алоҳида ҳисобини юритади.

### **7-боб. Якунловчи қоидалар**

21. Ушбу Низом бўйича ажратиладиган пул маблағларининг мақсадли, самарали ва оқилона ишлатилиши, шунингдек, қўшимча ҳақ миқдори асосланган ва тўғри ҳисобланиши ҳамда белгиланиши учун ташкилот раҳбари шахсан жавобгар ҳисобланади.

22. Мазкур Низом талаблари асосида қўшимча ҳақ тўлаш қўшимча ҳар ойлик ва бир марталик тўловлар миқдори бир ойда фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) (ёки хорижий мамлакатларда уларга тенглаштирилган) илмий даражасига эга бўлган ходимлар учун лавозим маошининг 30 фоизидан ҳамда фан доктори (DSc) (ёки хорижий мамлакатларда унга тенглаштирилган даража) илмий даражасига эга бўлган ходимлар учун лавозим маошининг 60 фоизидан ошмаслиги керак.

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

23. Ушбу Низом талабларини бузилишида айбордor шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

*(23-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

24. Тизимида ташкилотлар мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда қонун доирасида ташкилот коллегиал органларнинг қўшимча ҳақ миқдорини ўрнатишни ташкил қилиши устидан назорат қиласди.

*(24-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан киритилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)*

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

24. Ушбу Низом докторантурада таҳсил олаётган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

*(24-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарорига асосан киритилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)*

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

25. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

*(25-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

26. Давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларда фаолият юритувчи илмий даражага эга ходимларга мазкур Низом талаблари асосида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қўшимча ҳақ тўланиши мумкин. Бунда қўшимча ҳақ белгилаш талаблари

(мезонлари) давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг асосий хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг коллегиал органи қарори билан тасдиқланади.

*(26-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга ушбу ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳам қўшимча ҳақ тўланиши мумкин.

Бунда, қўшимча ҳақ белгилаш талаблари (мезонлари) ушбу ташкилотларнинг кузатув кенгашлари қарори билан белгиланади.

*(26-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июндаги 228-сонли қарорига асосан хатбошилар билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2023 й., 09/23/228/0339-сон)*

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги 1030-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. *6-банд* куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган бошқа мақсадлар».

2. *Иловада:*

а) *26-банд* куйидаги матннадаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган бошқа мақсадлар»;

б) *29-банда:*

куйидаги матннадаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ажратилган маблағлар ушбу қарорларда назарда тутилган мақсадларга сарфланади»;

*бешинчи хатбоши* олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.